

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмита ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси
фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларида таълим
олишига кўмаклашиш бўйича Маслаҳат кенгаши тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларида таълим олишига кўмаклашиш бўйича Маслаҳат кенгаши (Кейинги ўринларда – Маслаҳат кенгаши) фаолияти тартибини белгилайди.

2. Маслаҳат кенгаши фаолияти Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларида таълим олишига кўмаклашиш билан боғлиқ вазифаларни самарали бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита (Кейинги ўринларда – Қўмита) ҳузурида ташкил этилган маслаҳат органи ҳисобланади.

Маслаҳат кенгашининг таркиби вазирлик ва идораларнинг тавсияси асосида Қўмита томонидан тасдиқланади.

3. Қўмитанинг Диний таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказлари билан ишлаш бўлими (Кейинги ўринларда – Ишчи орган) Маслаҳат кенгашининг ишчи органи функциясини бажаради.

Маслаҳат кенгашининг кундалик фаолияти унинг ишчи органи томонидан олиб борилади.

4. Маслаҳат кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

II. Маслаҳат кенгашининг мақсади ва вазифалари

5. Маслаҳат кенгашининг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларида таълим олишига кўмаклашишдан иборат.

6. Қуйидагилар Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларида таълим олишга бўлган эҳтиёжини қондириш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларига ҳужжатлар топшириши, таълим олиши ва таълим муассасаларини тугатганидан кейин иш билан таъминланиши юзасидан уларга тавсиялар бериш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларига ҳужжатлар топшириши, таълим олиши ва таълим муассасаларини тугатганидан кейин иш билан таъминланиши юзасидан уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларида таълим олиши учун тавсия этиладиган таълим муассасаларининг ҳар йиллик рўйхатини шакллантиришда иштирок этиш;

Хорижий диний таълим муассасаси таклифларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларида таълим олиши учун тавсиялар бериш;

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг жойлардаги вакилликлари билан ҳамкорликда фуқароларга хорижий диний таълим муассасаларида таълим олиш бўйича маълумотлар бериш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига уларнинг хорижий диний таълим муассасаларида таълим олишига амалий ёрдам кўрсатишда иштирок этиш.

III. Маслаҳат кенгашининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Маслаҳат кенгаши ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Маслаҳат кенгаши зиммасига юкланган вазифаларни бажариш доирасида вазирликлар, идоралар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан зарур маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ўз фаолиятини амалга ошириш учун олимлар ва амалиётчи мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш;

вазирликлар, идоралар ва нодавлат ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний таълим муассасаларида таълим олиши билан боғлиқ масалалар бўйича ўтказиладиган

йиғилишларда, конференциялар ва семинарларда иштирок этиш ва Маслаҳат кенгаши манфаатларини ифодалаш;

ўз фаолияти йўналишлари бўйича Маслаҳат кенгаши аъзолари, олимлар, амалиётчи мутахассислар ва нодавлат ташкилотлари вакилларидан иборат доимий ва вақтинчалик ишчи гуруҳларни тузиш;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

8. Маслаҳат кенгаши ўзига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир.

IV. Маслаҳат кенгаши ишларини режалаштириш

9. Маслаҳат кенгашининг ишлари йиллик режалар асосида амалга оширилади.

10. Йиллик иш режаси белгиланган масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар рўйхатидан иборат бўлиб, унда бажариш учун масъуллар ҳамда уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.

11. Йиллик иш режаси Маслаҳат кенгаши раиси томонидан тасдиқланади.

V. Маслаҳат кенгаши фаолиятини ташкил этиш

12. Маслаҳат кенгаши раис, масъул котиб ва Маслаҳат кенгаши аъзоларидан иборат таркибда тузилади. Улар Маслаҳат кенгаши ишларида жамоатчилик асосида иштирок этади. Маслаҳат кенгаши аъзоларининг номзодлари тегишли ташкилотлар томонидан тавсия қилинади.

13. Қўмита раиси Маслаҳат кенгаши раиси ҳисобланади.

Маслаҳат кенгаши раисининг ваколатларига қуйидагилар киради:

Маслаҳат кенгаши мажлиси кун тартибини белгилаш ҳамда мажлисларини чақириш;

Маслаҳат кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижроси юзасидан назоратни ташкил этиш;

Маслаҳат кенгаши аъзолари ишларини уларга юкланган вазифаларни бажаришлари бўйича мувофиқлаштириш;

Маслаҳат кенгашига раҳбарлик ҳамда унинг фаолиятини назорат қилиш;

Маслаҳат кенгашининг самарали фаолиятини таъминлашга доир бошқа ишларни амалга ошириш.

14. Маслаҳат кенгашининг масъул котиби:

барча зарур ҳужжатларнинг навбатдаги Маслаҳат кенгаши мажлисига ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

Маслаҳат кенгаши мажлислари кун тартибига қўйилган масалалар бўйича ўтказилишини таъминлайди;

Маслаҳат кенгаши аъзоларини ва таклиф қилинганларни мажлис ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида хабардор қилади;

Маслаҳат кенгаши қарорларининг ижроси мониторингини олиб боради ҳамда унинг натижаларини Маслаҳат кенгаши мажлисида кўриб чиқиш учун тақдим қилади;

Маслаҳат кенгаши мажлислари баённомаларини расмийлаштиради ҳамда тасдиқланган баённомаларни Маслаҳат кенгаши аъзоларига ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборади;

конун ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларига мувофиқ бошқа вазифаларни бажаради.

15. Маслаҳат кенгаши мажлислари ҳар ярим йилда камида бир марта ўтказилади. Зарур ҳолларда Маслаҳат кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ўтказилиши мумкин. Маслаҳат кенгаши мажлисини раис бошқаради.

16. Маслаҳат кенгаши мажлиси унда аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этганда ваколатли бўлади.

Маслаҳат кенгаши қарорлари Маслаҳат кенгашининг мажлисда иштирок этаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлган ҳолларда Маслаҳат кенгаши мажлисида раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

17. Маслаҳат кенгаши мажлисларида иштирок этиш, шунингдек тузиладиган ишчи гуруҳлари таркибида ишлаш учун вазирликлар, идоралар ва нодавлат ташкилотларидан мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

VI. Маслаҳат кенгаши томонидан қарорларнинг қабул қилиниши ва уларнинг ижросини ташкил этиш

18. Маслаҳат кенгаши қарорлари Маслаҳат кенгаши мажлиси баённомаси билан расмийлаштирилади. Маслаҳат кенгаши мажлиси баённомаси унинг барча аъзолари томонидан имзоланади, масъул котиб томонидан имзоланиб, Маслаҳат кенгаши раиси томонидан тасдиқланади ҳамда бир ҳафта муддатда Маслаҳат кенгаши аъзоларига ва манфаатдор ташкилотларга юборилади.

Маслаҳат кенгашининг ҳар бир аъзоси қабул қилинадиган қарорлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ёзма ифодалаш ҳуқуқига эга.

19. Маслаҳат кенгаши раиси қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида Маслаҳат кенгашининг алоҳида масалалар бўйича қарорларини Маслаҳат кенгаши иштирокчилари билан сўровнома ўтказиш йўли орқали тасдиқлаши мумкин.

20. Маслаҳат кенгаши баённомасининг асл нусхаси ва унга илова қилинган материаллар Маслаҳат кенгаши масъул котибида сақланади.

21. Маслаҳат кенгаши қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ўз мажлисларида мунтазам равишда кўриб чиқади.

22. Маслаҳат кенгаши ўзига юкланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан жавоб беради.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича
қўмита ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий диний
таълим муассасаларида таълим олишига қўмаклашиш бўйича
МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ ТАРКИБИ**

№	Ф.И.О.	Лавозими
1.	С.Д.Тошбоев	– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси, <i>Маслаҳат кенгаши раиси</i>
2.	М.М.Комилов	– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари, <i>Маслаҳат кенгаши раиси ўринбосари</i>
3.	Ш.З.Ибрагимов	– Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Жанубий Осиё, Яқин, Ўрта Шарқ ва Африка мамлакатлари билан ҳамкорлик бошқармаси 2-котиби
4.	Ш.Ш.Зарипов	– Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик-ҳуқуқий департаменти 2-котиби
5.	О.Х.Базаров	– Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи
6.	И.И.Каримов	– Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси Мафкуравий тарғибот бўлими етакчи мутахассиси
7.	О.А.Камилжанов	– Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Кўникма, мувофиқлик ва малакани баҳолаш миллий тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси Касбга қайта ўқитишни мувофиқлаштириш шўъбаси бошлиғи
8.	А.А.Насиров	– Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси
9.	С.Т.Давлатова	– Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси Миллатлараро муносабатлар бўйича илмий-амалий тадқиқотлар маркази раҳбари
10.	А.Х.Холмахматов	– Ёшлар ишлари агентлигининг Таълим муассасаларидаги ёшлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи
11.	Ў.М.Хасанбоев	– Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари
12.	Б.Мамадиев	– Ўзбекистон халқаро ислом академияси проректори
13.	Б.Х.Рустамов	– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита Диний

таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказлари
билан ишлаш бўлими бошлиғи, *Маслаҳат кенгаши*
котиби

Изоҳ: Маслаҳат кенгаши аъзолари бошқа лавозимга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки уларнинг вазифаларини бажариш юклатилган шахслар киритилади.